

developed countries and the specifics of our development of this industry in our country and its republic, it is important to pave the way for the support by the state.

**References:**

1. Muminov N.G. "Industrial iqtisodiyot" // darslik I qism. "Tafakkur bo'stoni" Toshkent. 2020 y. 261 b.
2. M.A.Raxmatov, B.Z.Zaripov "Bilimsizlik insoniyat uchun qorong'u tundur" Konfutsiy hikmatlari T: "Zamin nashriyoti" 2019 y. 22 bet.
3. A.Razzoqov, Sh.Toshmatov, N.Urmanov "Iqtisodiy ta'limotlar tarixi" // Toshkent. "Moliya" nashriyoti, 2002 y. 41-42-betlar.
4. <https://fayllar.org/iqtisodiyot-nazariyasi-v5.html?page=7>
5. Смит А. "Исследование о природе и причинах богатства народов" М.; 1993, 46 с.
6. Рикардо Д. "Начало политической экономии и налогового обложения". Анталогия экономической классики. М.; 1993, 199 с.
7. Карл Маркс «Капитал» полная версия, Издательство Аст, 2021 г. 960 с.
8. Акулов В.Б., Акулова О.В., "Экономическая теория" Учебное пособие. Петрозаводск: Петр ГУ, 2002. стр 156.
9. Карл Каутский «Экономическое учение Карла Маркса» Wayback Machine 1886 г. <http://www.1917.com/Marxism/Kautsky/Marx-Economy/Marx-Economy-03-07-00.html>
10. Чупров А. И. Курс политической экономии — М., 1911; 2-е изд. 1917 г. 356 с.
11. Бугаян Илья Рубенович "Место науки в хозяйстве и условия их взаимодействия" // Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова Экономический факультет. «Потенциал экономической науки для развития России» сборник тезисов выступлений Москва 18-20 апреля 2017 г. 183-185 с.
12. Sh.Sh.Shodmonov "Qo'shimcha mahsulot iqtisodiy taraqqiyotning me'zoni va manbai sifatida" "Iqtisodiyot va moliya" (O'zbekiston) jurnali №7 2016 yil 2-11 b.
13. "Ilm-fanni 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 30.10.2020-y., 06/20/6097/1431-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 09.11.2021-y., 06/21/3/1037-son
14. <https://strategy.uz/index.php?news=1116&lang=uz>
15. "Yangi O'zbekistonning 2022–2026 yillarga mo'ljallangan taraqqiyot strategiyasi to'g'risida" PFL-588/21 O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni. 2022 yil
16. <http://marifat.uz/marifat/ruknlar/rasmiy/3044.htm>
17. <https://review.uz/uz/post/innovacionnaya-aktivnost-kompaniy-v-uzbekistane>
18. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил якунлари юзасидан ҳисоботи Тошкент 2021 йил.
19. K.B.Ablaqulov "Qo'shimcha mahsulotning yangi mazmuni" // "Сервис" илмий-амалий журнал. Самарқанд 2022 y. 17-21 b.
20. Sh.Sh.Shodmonov, O.X.Xamraev, B.E.Mamaraximov "Sufficiency It Is A General Purpose Category That Develops Without A Stop" The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (ISSN-2642-7478) Published: April 28, 2021 79-83 p.
21. Ablaqulov K.B., Oripova Sh.K. "Ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish jarayonida yaratilgan mahsulotning tarkibiy qismlari" // Хоразм маъмуни академияси ахборотномаси. 2022-5/2 Хива. 5-8 b.
22. К.Б. Аблакулов «Использование трудовых ресурсов для наращивания дополнительной производственной продукции и повышения их качества и состава» // «Journal of Economy and entrepreneurship», Vol. 16, Nom. 5. 1072-1077 с.
23. Ablaqulov K.B. "Qo'shimcha mahsulotning namoyon bo'lish shakli" // "Academic research in modern science" international scientific-online conference, 197-203 p. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7498452>
24. Ш.Шодмонов, М.Рахматов "Иқтисодиёт назарияси фанининг икки чигал тугуни ва унинг ечими" // Монография. Тошкент. – "Иқтисодиёт" 2019 й. 261 б.



**ИННОВАЦИОН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА ИНТЕГРАЦИОН АЛОҚАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**Джуроева Дилноза Даврон қизи** -  
Бухоро давлат университети, Маркетинг  
ва менежмент кафедраси ўқитувчиси

[https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss1/a13](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a13)

**Аннотация.** Инновацион хизмат кўрсатиш жараёнларини ислоҳ қилишда хизматлар соҳасидаги субъектларнинг инновацион фаолияти соҳасида муаллифларнинг мавжуд назарий методологик тадқиқотларига таянган ҳолда хизматлар инновацияларининг ташкилий ва иқтисодий янгиликлар билан боғлиқ бутун доирасини маълум бир тизимга келтириш ва уларнинг юзага келишига сабабчи бўлган асосий қонуниятларни аниқлашга ҳаракат қилиб кўрамиз. Бироқ ташкилий-иқтисодий инновациялар ролини янада чуқурроқ англаш учун инновацион фаолиятнинг ушбу ўзига хос объекти қандай вужудга келиши ва режалаштирилишини тушуниб олиш зарур.

**Калит сўзлар:** инновация, ташкилий янгиликлар, иқтисодий янгиликлар, режалаштириш, объект, инновацион жараён, инновацион фаолият, янгилик.

ОРГАНИЗАЦИЯ КОМПЛЕКСНЫХ КОММУНИКАЦИЙ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ  
ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ ОБСЛУЖИВАНИЯ

*Джурова Дилноза Даврон кизи -  
Бухарский государственный университет,  
преподавательница кафедры маркетинга и менеджмента*

**Аннотация.** Опираясь на существующие теоретико-методологические исследования авторов в области инновационной деятельности субъектов сферы услуг при реформировании инновационных сервисных процессов, постараемся привести весь спектр сервисных инноваций, связанных с организационно-экономическими инновациями, в определенную систему и определяют основные закономерности, обуславливающие их возникновение. Однако для более глубокого понимания роли организационно-экономических инноваций необходимо понять, как создается и планируется этот специфический объект инновационной деятельности.

**Ключевые слова:** инновации, организационные инновации, экономические инновации, планирование, объект, инновационный процесс, инновационная деятельность, инновации.

ORGANIZING INTEGRATED COMMUNICATIONS IN IMPROVING  
INNOVATIVE SERVICE PROCESSES

*Djurayeva Dilnoza Davron qizi -  
Bukhara State University, Teacher in the department  
of marketing and management*

**Annotation.** Based on the existing theoretical and methodological studies of the authors in the field of innovative activity of service sector entities in reforming innovative service processes, we will try to bring the entire range of service innovations related to organizational and economic innovations into a certain system and determine the main patterns that determine their occurrence. However, for a deeper understanding of the role of organizational and economic innovations, it is necessary to understand how this specific object of innovative activity is created and planned.

**Keywords:** innovation, organizational innovation, economic innovation, planning, object, innovation process, innovation activity, innovation.

**Кириш.** Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш, рақобатдош инновацион маҳсулотлар ва хизматларнинг номенклатурасини кенгайтириш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида хизматлар кўрсатиш соҳасини инновацион усулда ривожлантиришнинг мамлакат иқтисодиёти, жамият ҳаёти, ижтимоий соҳа, атроф-муҳит, экология ва бошқа соҳаларга таъсирини аниқлашга қаратилган кўп сонли илмий излашлар амалга оширилмоқда. Аксарият тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакатда хизматлар кўрсатиш соҳасининг инновацион усулда ривожланишига ижтимоий капиталнинг ўсиш суръатлари билвосита таъсир кўрсатиши илмий асосланган. Шунингдек, айрим илмий тадқиқотларда, аҳолига турли хизматлар кўрсатиш жараёнларида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш амалиётини жорий этиш орқали ушбу соҳани инновацион ривожлантириш учун мавжуд шарт-шароитларни янада яхшилашга эришилаётганлиги исботланган.

Кўпгина иқтисодий ривожланган мамлакатларда монопол бозорни ташкил этиш моделларида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ислохотларнинг йўналиши давлат монополиясининг ҳаддан ташқари ҳукумат назоратини

бартаф этиш ва рақобатлашган бозор учун шарт-шароитларни вужудга келтириш зарурати билан белгиланди.

Хизматлар соҳасидаги субъектларнинг инновацион фаолияти соҳасида муаллифларнинг мавжуд назарий-методологик тадқиқотларига таянган ҳолда хизматлар инновацияларининг ташкилий ва иқтисодий янгиликлар билан боғлиқ бутун доирасини маълум бир тизимга келтириш ва уларнинг юзага келишига сабабчи бўлган асосий қонуниятларни аниқлашга ҳаркат қилиб кўрамиз. Бироқ ташкилий-иқтисодий инновациялар родини янада чуқурроқ англаш учун инновацион фаолиятнинг ушбу ўзига хос объекти қандай вужудга келиши ва режалаштирилишини тушуниб олиш зарур. Хизматлар соҳасининг инновацион ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда янги илмий ишланмалар асосида инновацион хизмат турларини яратиш концепциясига асосланган ҳолда иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланишини таъминлашга нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Инновацион хизмат кўрсатиш субъеклари томонидан инновацияларни жорий қилиш йўналишида қа-

бул қилинган бошқарув қарорларининг аниқ мезонлар асосида таъсир даражасини аниқлаш ва шу асосда чора-тадбирларни белгилашга йўналтирилган бошқарувнинг инновацион усуллари ва технологиялари самарадорлигини баҳолаш бўйича адабиётлар таҳлил этилди. Шунингдек, айрим илмий тадқиқотларда, аҳолига турли хизматлар кўрсатиш жараёнларида янги техника ва технологиялардан фойдаланиш амалиёти ни жорий этиш орқали ушбу соҳани инновацион ривожлантириш учун мавжуд шарт-шароитларни янада яхшилашга эришилаётганлиги исботланган. “Инновация” атамаси бугунги кунда жуда кенг қўлланилиши унинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бўлган қизиқишларни янада кучайтирмоқда. Шу сабабдан мазкур атаманинг иқтисодий мазмун-моҳиятини тадқиқ этган ва очиб берган айрим иқтисодчи-олимларнинг қарашларини ўрганиш муҳим.

1930 йилларда Й.Шумпетер томонидан *инновация* тушунчаси киритилди ва у маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, етказиш жараёнларида янги ёки такомиллаштирилган техник, технологик, ташкилий хусусиятдаги қарорларни қўллаш оқибатида кутилаётган ўзгаришларни билдирар эди. Инновациянинг ушбу таърифи ва Й.Шумпетернинг ишлаб чиқариш омиллари-нинг янги комбинациялари тўғрисидаги концепцияси инновациялар назариясига бўлган иккита энг тарқалган ёндашувдан бирининг асосини ташкил этади.

Й.Шумпетернинг таъкидлашича, “депрессия даврида юз берадиган жараёнлар ишончсизлик ва тартибсизликларни ифода этади, буларни биз янги мувозанатни излаш, умумий вазиятларнинг нисбатан жадал ва жиддий ўзгаришларига мослашув сифатида тушунамиз” [8].

Хусусан, рус иқтисодчи-олими И.Т.Балабанов фикрига кўра: “Инновация назорат, ҳисоб, режалаштириш усули, таҳлилга қабул қилишнинг янги шакллари қамраб олган ҳолда янги техника ва технологияга, ишлаб чиқариш, меҳнат, хизмат кўрсатиш, бошқаришни ташкил этишнинг янги шаклига капитални киритишдан олинган моддийлашган натижани ўзида намоён этади” [9].

А.Б.Борисов инновацияларни қуйидагича таърифлайди: “Инновация технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқиш, яратиш ва тарқатиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга қаратилган ижодий фаолият натижасини англатади” [10].

В.Г.Медынский олиб борган изланишлари асосида қуйидаги хулосага келган: “Инновация сифатида олиб борилган илмий тадқиқот ёки аввалгига ўхшаш туридан сифат жиҳатдан фарқ қилувчи янгисининг яратилиши натижасида

ишлаб чиқаришга жорий этилган объект тушунилади” [11].

Р.А.Фатхутдинов эса “Инновация – объект-ни бошқаришни ўзгартириш ва иқтисодий, ижтимоий, экологик, илмий-техникавий ва бошқа турдаги самарани олиш мақсадида янгиликни жорий этишнинг якуний натижаси”, – деб баҳолайди [12]. Шунга ўхшаш таъриф В.Л.Попов томонидан ҳам берилган бўлиб, унга кўра: “Инновация – бозорда сотиладиган янги турдаги ёки такомиллашган маҳсулотнинг, амалиётда фойдаланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараённинг амалга оширилишини ҳосил қилувчи инновация фаолиятининг якуний натижаси”, – дейилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлар ҳам “инновация” атамасининг иқтисодий мазмун-моҳиятини очиб бериш бўйича катта изланишлар олиб боришган ва ўзларининг замонавий талқиндаги таърифларини ишлаб чиққанлар [13]. Шулар жумласида иқтисодчи-олимлар Р.И.Гимуш, Ф.М.Матмуродов томонидан инновация деганда, “янгилик ва янгилик киритиш деган маънони билдиради. Бу янгилик замирида янги тартибни, янги одатни, янги услубни, кашфиётни тушуниш лозим” дея таъриф берилган [14,15]. Б.Э.Тошмуродова, Н.Жиянова фикрига кўра: “Инновация тушунчаси ўз ичига фақат техник изланишларни олмасдан, балки корхона иши усулидаги барча яхши ўзгаришларни (янги хизматлар, пастроқ нархлар белгилаш ва бошқа мижозлар учун қулай шароитлар яратиш) олади” [16, 17].

Бугунги шароитларда фақат инновацион, айнан илмий, юксак технологияли, малакали ишчи кучида рўёбга чиққан билимларга асосланган иқтисодиётгина рақобатбардош бўла олиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг таркибида кўрсатилганидек, хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 50,0 фоиздан ошади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, хизмат даромадлари жаҳон ялпи ички маҳсулотининг тахминан 70 фоизини ташкил этади. Хизмат кўрсатиш соҳасида етакчилик қилаётган мамлакатлар орасида бу кўрсаткич Люксембургда 88,3 фоиз, Кипрда 87,4 фоиз, Мальтада 85,5 фоиз, Данияда 76,3 фоиз, Испанияда 74,8 фоиз, Буюк Британияда 79, 6 фоиз, Америка Қўшма Штатларида эса 77,6 фоизни ташкил этади.

Республикада хизматлар соҳасининг тезкор ўсиш суръатларини таъминлаш, мазкур йўналишда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини балансли ривожлантириш ва диверси-

фикациялашни таъминлаш, улар кўрсатадиган хизматларнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш бугунги кунда амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Амалга оширган таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, дунёда сервис соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўртача 61 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 36 фоиздир. Лекин 86 фоиз қўшилган қиймат шу соҳада яратилади. Республикамиз миқёсида ушбу таҳлилларни давом эттирадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятларида аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан 2 баробар паст.

А.Маршалл рақобатнинг технологик концепциясига асос солиб, монополиянинг пайдо бўлишининг сабабларини баъзи “табiiй” ҳолатлар мавжудлиги билан тушунтиради. У иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш концепцияси ўртасидаги боғлиқликни кўрсатади. “Ишлаб чиқаришни кенгайтириш унинг рақобатбардош устунлигини тезда оширади ва ўз маҳсулотларини сотиш нархини пасаитиради”.

**Тадқиқот методикаси.** Тадқиқот натижаларида ишлаб чиқилган услубий таклифлар, илмий асосланган тавсия ва хулосалар хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан инновация фаолияти субъектларида инновацион менежментнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари асосларини такомиллаштиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Таҳлили ва натижалар.** Мамлакатимизда инновацион тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, илмий натижаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш масалаларига давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибор қаратгани туфайли юқорида қайд этилган ютуқларга эришиш имкони пайдо бўлди.

Ҳар қандай давлатнинг ривожланиш даражаси асосий кўрсаткичларидан бири унинг таълим ва фан тизимларининг рақобатбардошлигидир. Бу омиллар иқтисодиётнинг инновацион хусусиятини белгилайди, шунинг учун ривожланган мамлакатларда бу соҳаларнинг узлуксиз ривожланишига катта аҳамият берилади. Бу эса нафақат фан ва таълимга доимий сармоя киритишни, балки уларнинг янги вазифаларга нисбатан мослашувчан бўлиши ва замонавий талабларга жавоб бериши лозим бўлган тузилмасини тўғри ташкил этишни ҳам талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, таълим ва фан тизимлари янги иқтисодий, ижтимоий ва технологик

муаммоларга мослаша олиши керак. Бундан ташқари инновацион фаолият жараёнида тасодифлар муҳим роль ўйнайди, чунки ташкилий-иқтисодий инновациялар соҳасида битта янгиликнинг ўзи бир нечта мустақил йўлдан бориши мумкин. Технологиялар соҳасидаги бўлгани каби ташкилий-иқтисодий ривожланиш соҳасида ҳам инновацион жараён тасодифий омиллар ва тўпланиб бориш табиатига эга бўлган омилларнинг ўзаро ўйинларига йўналтирилган, деб таъкидлаш мумкин.

Айтайлик, кўриб чиқиладиган жараёнга ташкилий ва иқтисодий муносабатларда ҳам кичик ҳамда катта ўзгаришлар характерли. Ўзгаришларнинг бу икки синфига уларнинг бир-биридан жиддий фарқ қиладиган пайдо бўлиш ўртача тезликлари хосдир. Ташкилий тузилмалардаги катта ўзгаришлар кичик ўзгаришлар занжири билан қопланмайдиган бўлса, тизимнинг даврий хулқ-атвори сабабчисига айланиши мумкин, чунки амалдаги кумулятив механизм уларнинг таъсири улар вужудга келган вақт оралиғидан ташқарига ҳам тарқалишига хизмат қилади. Бундан ташқари тасодифий ўзгаришларнинг вақт бўйича кластерларга марказлашуви ҳам рўй бериши мумкин. Кумулятив механизм таъсири остида кластерлар бирлашиш тенденциясини ҳис этади ва шу тариқа тўйиниш даражасининг нисбатан юқори бўлиши таъминлайди. Демак, кластерлардан ҳар бирининг таъсири бу ўзгаришлар рўй берган вақт доирасидан ташқарига ҳам тарқалади.

Шундай қилиб, тасодифий тақсимотда на ўртачалаштириш ва на янги содир бўлиш тезликларининг вужудга келиши тренднинг йўқолишига олиб келмайди. Эҳтимол, айрим йирик ташкилий-иқтисодий ўзгаришлар таъсири остида янги ўзгаришларнинг пайдо бўлишини ёки нисбатан кичикроқ ўзгаришлар ёки занжирлар ҳамроҳлик қиладиган катта ўзгаришлар кластерлари вужудга келишини кузатишимиз мумкин.

Бир сўз билан айтганда, жиддий ташкилий-иқтисодий инновациялар миқёси ва таъсир даражаси бўйича кичикроқ инновациялар тўпланишининг натижаси ҳисобланади, яъни технологик даврларда бўлгани каби, объектив равишда ташкилий-иқтисодий ривожланиш даврларининг маълум бир кетма-кетлиги вужудга келади.

Шу нуқтаи назардан таъкидлаш керакки, инновацияларни бошқариш ва тартибга солишда дунё мамлакатлари амалиётида мавжуд бўлган тажрибалар, усуллар ва мезонларни ўрганган ҳолда, хизматлар соҳасининг инновацион ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш, бунда янги илмий

ишланмалар асосида инновацион хизмат турларини яратиш концепциясига асосланган ҳолда иқтисодий рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланишини таъминлашга нисбатан услубий ёндашувларни назарий жиҳатдан асослаш ва амалий механизмларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз мурожаатларида тизимли равишда илм-фан ва таълим тараққиётининг аҳамиятини таъкидлаб келмоқда. Хусусан, Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган сўнги тантанали йиғилишда Президентимиз қуйида-

гиларни қайд этди: “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу – илм-фан, таълим ва тарбиядир”.

Мамлакат илмий-инновацион тараққиётининг асосий иштирокчилари илмий ташкилотлар, университетлар, академиялар ва бошқа илмий муассасалардир: айнан шу ерда кўпчилик илмий ишланмалар амалга оширилади. Ўзбекистондаги илмий ташкилотларнинг асосий хусусияти шундаки, уларнинг аксарияти пойтахтда жамланган.

1-жадвал

Худудлар ва йиллар бўйича амалга оширилган илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг сони, 2017-2019 йй.

Худудлар	Йил		
	2017	2018	2019
Ўзбекистон Республикаси	30447	13876	17845
Қорақалпоғистон Республикаси	3551	2084	1804
<b>вилоятлар:</b>			
Андижон	2425	104	18
Бухоро	503	394	6480
Жиззах	40	13	95
Қашқадарё	370	34	19
Навоий	983	1182	1202
Наманган	1757	576	39
Самарқанд	203	154	200
Сурхондарё	1747	1952	153
Сирдарё	21	12	67
Тошкент	3224	1570	1615
Фарғона	934	994	223
Хоразм	38	30	26
Тошкент	14651	4877	5904

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

2022 йилда Германия, Туркия, Россия ва Беларусь давлатлари билан умумий қиймати 6,9 млрд. сўмлик 25 та халқаро қўшма илмий лойиҳа якунланди. 2021 йилдан бошлаб Туркия, Хитой ва Ҳиндистон давлатлари билан умумий қиймати 50,3 млрд. сўмлик 47 та халқаро қўшма илмий лойиҳанинг бажарилиши бошланди.

Ўзбекистон илм-фани тарихида биринчи марта ўзбек олимлари кўп томонлама (7 та давлат ўртасида) илмий лойиҳалар танловида иштирок этди, Евроосиё тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш уюшмасининг халқаро танлови натижасига кўра, 3,0 млрд. сўмлик 2 та лойиҳа бажарилмоқда.

Илмий лойиҳаларни хусусий сектор ва тармоқ ташкилотлари билан тенг шерикликда молиялаштириш амалиёти йўлга қўйилди:

Бухоро пахтачилик-тўқимачилик кластери томонидан умумий қиймати 15,0 млрд. сўм маблағ ажратилди ва давлат буюртмаси доирасида корхона муаммолари ечимига қаратилган тематик лойиҳалар танловлари ташкил қили-

ниб, танлов натижаларига кўра тенг шерикликда молиялаштириш ташкил этилди.

Энергетика вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг жами 15,4 млрд. сўм маблағлари ҳисобидан илмий лойиҳаларни тенг шерикликда молиялаштириш юзасидан танловлар эълон қилинди.

Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекси (ГИИ) рейтингига киритилиши, бу, ўз навбатида, мамлакат учун асосий ва муҳим ўзгаришлардан бири бўлиб, амалга оширилаётган ислохотлар, ошкоралик ва очиқлик сиёсати, шунингдек, инновация соҳасидаги қатор ижобий ўзгаришлар натижасида юз берди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ГИИда Институтлар (Institutions), Инсон капитали ва тадқиқотлар (Human capital & research), Инфра тузилма (Infrastructure), Билим ва технологиялар (Knowledge & technology outputs), Ижодкорлик (Creative outputs) каби кўрсаткичларда ижобий натижаларга эришган.

Глобал инновацион индекс (ГИИ) инновацион фаолият соҳасида 130 дан ортиқ мамлакатнинг йиллик рейтинг ва таҳлилий шарҳи бўлиб, унинг асосида мамлакатлар натижадорлиги бўйича сараланади, пировардида жаҳон ҳамжамияти учун мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион ривожланишининг барометри бўлиб хизмат қилади. ГИИ рейтинги 7 та асосий йўналишдан иборат:

1. Бошқарув институтлари.
2. Инсон капитали ва тадқиқотлари.
3. Инфратузилма.
4. Бозорни ривожлантириш.
5. Бизнесни ривожлантириш.
6. Билим ва технология соҳасидаги натижалар.
7. Ижодий натижалар.

Барча йўналишлар мамлакат ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва институционал асосларини бевосита қамраб олувчи 21 та таркибий кичик блок ва 80 та индикаторга асосланади. Рейтинг ҳар йили тузилади ва олдинги эришилган натижаларнинг таҳлили шакллана-

ётган инновацион иқтисодийнинг рақобатбардошлиги ва умуман, бу йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг натижадорлигини баҳолаш имконини беради.

ГИИ мутахассислари хулосасига кўра, рейтингнинг муҳим кўрсаткичларидан бири «Мамлакатнинг кутилганидан юқори натижага эришиши» кўрсаткичи ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич даромад даражаси бўйича мамлакатларнинг қуйидаги тоифаларини ўз ичига олади:

- даромади юқори даражали мамлакатлар;
- даромади ўртачадан юқори даражали мамлакатлар;
- даромади ўртачадан қуйи даражали мамлакатлар.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг 2021 йил учун эришган натижалари ГИИ экспертлари томонидан даромаднинг ўртачадан қуйи даражаси билан мамлакатлар (2-жадвал) учун кутилганидан юқори натижага эришиш сифатида қайд этилди.

2-жадвал

Даромаднинг турли хил даражаларидаги инновацион фаолиятнинг натижалари, 2021 йил

ГИИ кўрсаткичи	Даромади юқори даражали мамлакатлар	Даромади ўртачадан юқори даражали мамлакатлар	Даромади ўртачадан қуйи даражали мамлакатлар	Даромади қуйи даражали мамлакатлар
Ривожланишнинг ушбу даражаси учун кутилаётган натижаларидан юқори кўрсаткичларга эришган мамлакатлар	Швейцария	Хитой	Вьетнам	Руанда
	Швеция	Болгария	Ҳиндистон	Малави
	АҚШ	Таиланд	Украина	Мадагаскар
	Буюк Британия	Бразилия	Филиппин	Тожикистон
	Корея Республикаси	Эрон	Монголия	Буркина-Фасо
	Нидерландия	Жанубий Африка Республикаси	Молдова	Уганда
	Финляндия	Перу	Тунис	Мозамбик
	Сингапур	Малайзия	Марокаш	Мали
	Дания	Туркия	Кения	Того
	Германия	Россия	Танзания	Нигер
	Франция	Черногория	Ўзбекистон	Эфиопия
	Япония	Сербия	Кабо-Верде	Гвинея
	Гонконг	Мексика	Сальвадор	Яман
	Исроил	Коста-Рика	Қирғизистон	
	Канада	Шимолий Македония	Покистон	
	Исландия	Беларусь	Боливия	
	Австрия	Грузия	Сенегал	
	Ирландия	Колумбия	Гондурас	
	Норвегия	Арманистон	Камбоджа	
	Эстония	Ямайка	Непал	
Бельгия	Босния ва Герцеговина	Гана		
Люксембург	Озарбайжон	Зимбабве		
Чехия	Иордания	Замбия		
Австралия	Албания	Миср		

Манба: "The Global Innovation Index 2021" маълумотлари.

Мамлакатда олиб борилаётган фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар страте-

гиясида белгилаб берилган илмий-техник ислохотларга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Жаҳон ҳамжамиятида мамлакатнинг рақобатбардошлик даражаси ва унинг инновацион тараққиётини бел-

гиловчи асосий омил сифатида инсон капитални ривожлантириш стратегиянинг асосий мақсади этиб белгиланди. Стратегиянинг бош мақсадига эришиш учун Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб, ГИИ рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш асосий вазифалардан бири этиб кўрсатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон ушбу рейтингда 2012 йилдан буён иштирок этиб келмоқда ва 2012-2021 йиллар маълумотлар базаси эришилган натижаларни умумлаштириш имконини беради.

**Хулоса ва таклифлар.** Инновацион хизмат кўрсатишни самарали бошқариш қуйидаги кетма-кетликдаги босқичлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши мумкин: интеллектуал ташаббуслар асосида янги инновацион хизмат турларини яратиш шартларини тайёрлаш – инвестицияларни тақдим этишни ташкил қилиш – экспертиза – инфратузилма объектларини яратиш. Ҳар бир босқичда уларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган қоидалар талаб қилинади.

Инновацион хизмат кўрсатишни шакллантириш бўйича тавсия этилган таклифлар инновацион ривожланишнинг алоҳида элементларини дифференциациялашни ҳисобга олади ҳамда республика ва ҳудудий даражада ҳам қўлланилиши мумкин, чунки улар иқтисодиётдаги инновацион жараёнларни бошқариш учун мавжуд назарий ва услубий асосга таянади. Инновацион фаолият субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш учун зарур бўлган таркибий ўзгаришларни, ахборот билан таъминлаш моделлари асосида инновацион хизмат кўрсатиш фаолиятини бошқариш тамойиллари, инновацион хизмат кўрсатиш субъекларида бошқарувнинг инновацион усуллари ва технологиялари таъсирининг самарадорлигини баҳолаш усуллари ҳамда рақамли технологиялар ҳамда краудфандинг молиявий инструментлари асосида инновацион хизмат турларини яратиш ва амалда қўллаш усуллари, шунингдек, хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини оширишда инновацион ишланма ва технологиялар трансферини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда республикада хизматлар соҳасида инновацион фаолиятни бошқариш самарадорлигини таъминлашда ҳамда республикада инновацион салоҳиятни оширишга хизмат қилади. Шундай қилиб, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар инновацион ривожланишининг аниқланган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муаммоларини умумлаштириб, қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

– хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик, бозор шароитида фаолиятнинг энг истиқболли шакли сифатида, янги бозорларни турли соҳаларнинг рақобатбардош хизматлари билан тўлдиришнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилиш, рақобатни рағбатлантириш ва инновацияларни рағбатлантириш учун мўлжалланган;

– хизмат кўрсатиш соҳасидаги, айниқса, кичик корхоналарнинг ривожланиши давлат томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади;

– хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни инновацион ривожлантириш вазифалари мавжуд талабларга мос келадиган янги шакл ва усуллари қўллаш орқали корхона ичидаги бошқарувни такомиллаштириш асосида амалга оширилиши мумкин бўлган республика ва ҳудудий инновацион-иқтисодий ривожланиш дастурларига мувофиқ бўлиши керак;

– маҳаллий бошқарув тузилмаларининг хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарда инновациялар учун қулай шарт-шароитлар яратишда иштироки зарур.

Бизнинг фикримизча, хизматлар сотиш ҳажмининг ўсиши, инновацион хизматларга бўлган талаб рақобатбардош корхоналарнинг пайдо бўлиши билан бирга келади, бу эса корхоналарда инновацияларни фаоллаштириш ва рағбатлантиришнинг янги шакллари ва усуллари излашга бошқарув таъсирини йўналтиришни талаб қилиб, маркетинг усуллари қўллаш билан бирга, хизмат кўрсатиш муддатини узайтиради (етуклик босқичи), бу нисбатан барқарорлик ва стратегик афзалликлардан самарали фойдаланиш билан тавсифланади.

Шу нуқтаи назардан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарда уларнинг инновацион ривожланишига йўналтирилган бошқарув тизимининг зарур элементларини ажратиб кўрсатиш мумкин: корхоналарни бошқариш жараёнига киритилган стратегик бошқарув қуйи тизими; корхона жараёнлари тармоғи учун яратилган жараёнларни бошқариш қуйи тизими; жараёнларнинг ишлашини яхшилашга қаратилган мотивация қуйи тизими (жараёнларга интеграциялашган).

Корхонани инновацион бошқариш узоқ муддатли самарали ривожланишга эриша туриб, стратегия, молиялаштириш ва ташкил этиш соҳасида технологик ва бозор шароитларини енгиб ўтишга имкон берадиган шундай хатти-ҳаракатни таъминлайди. Бинобарин, корхонанинг узоқ муддатли истиқболдаги инновацион сиёсати, бир томондан, бозорда омон қолишнинг асоси бўлса, иккинчи томондан, бозор мувозанатига, тармоқлараро ва тармоқлараро

тузилишга фаол таъсир этувчи омил ҳисобланади.

Инновацион фаолиятга йўналтирилган корхона у фаолият кўрсатаётган институционал муҳитга, шунингдек, ички ижтимоий муҳитга боғлиқ бўлиб, бу инновацион ривожланишнинг энг муҳим интеллектуал омили бўлган ижтимоий янгиликлар шулар жумласидандир.

Бошқарув объекти сифатида инновацион жараён бир қатор объектив ривожланиш моделларига эга, уларнинг асосийлари: вақт, харажатлар ва натижалар нуқтаи назаридан инновациялар ривожланишининг эҳтимоллик табиати, хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновацион жараёнларни режалаштиришнинг қийинлиги.

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновацион фаолият ижтимоий йўналиш-

га эга аҳолининг турмуш даражасини оширишга ёрдам берадиган ижтимоий эҳтиёжлар, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларининг ўсишини таъминлайдиган тегишли фаолият турларининг ривожланишини рағбатлантиради. Инновацион хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар учун стратегик инновацион менежмент муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ҳам тадбиркорлик, ҳам профессионал-хўжалик бошқарувга таъсир қилади. Технологик, маҳсулот ва бошқарув инновациялари корхона сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлиб, улар, асосан, корхонанинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги ривожланиш динамикаси ва муваффақиятини белгилайди.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абрамов С.И. Инвестирование. – М.: Центр экономики и маркетинга, 2000. – 440 с.
2. Абдусаттарова Х.М. Инновация стратегияси. Ўқув қўллама. – Т.: ТДИУ, 2011. – 278 б.
3. Азарков А.П., Голов Р.С. Управление инновационной деятельностью. Учебник для бакалавров. – М.: Дашков и К, 2014. – 327 с.
4. Aghion P., Bloom N., Blundell R., Griffith R. Howitt P. Competition and Innovation: An Inverted U Relationship. // NBER Working Paper. 2002. 9269.
5. Алексеев А.А. Инновационный менеджмент: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. – М.: Издательство Юрайт, 2015. – 247 с.
6. Алексеев А.А. Инновационный менеджмент. Учебник. – М.: Юрайт, 2015. – 276 с.
7. Алексеева М.Б., Ветренко П.П. Анализ инновационной деятельности. – М.: Юрайт, 2016. С. 89-91.
8. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. С. 224.
9. Балабанов И.Т. Инновационный менеджмент. – СПб.: Питер, 2001. С. 41.
10. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. – М.: Книжный мир, 2000. С. 185.
11. Медынский В.Г. Инновационный менеджмент. – М.: ИНФРА-М, 2002. С. 28.
12. Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. – Т.: Академия, 2006. С. 267; Зайнутдинов Ш.Н. Теория пять «И» или новая система факторов процветания государства. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018. С. 49.
13. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – СПб.: Питер, 2004. С. 19.
14. Попов В.Л. Управление инновационными проектами. Учебное пособие. – С.: ИНФРА-М, 2009. С. 11. (– 337 с.).
15. Гилмуш Р.И., Матмуродов Ф.М. Инновационный менеджмент. Иқтисодиёт олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон фойласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2008. 10-б. (– 144 б.)
16. Расулев А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике. // Общество и экономика. – М., 2007. № 5-6.
17. Антонец В.А., Нечова Н.В., Хомкин К.А., Шведова В.В. Инновационный бизнес (Формирование моделей коммерциализации перспективных разработок). Учебное пособие. – М.: Дело, 2009. – 317 с.
18. Аньшин В.М., Дагаев А.А. и др. Инновационный менеджмент. Концепции, многоуровневые стратегии и механизмы инновационного развития. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Дело, 2007. – 584 с.
19. Джумаходжаев А. Илмий техника маҳсулотлари ва инновация лойиҳаларини тижоратлаштириш жараёнида интеллектуал мулк объектларини халқаро муҳофазалаш ҳамда хорижий лицензиялаш. Монография. – Т.: Меҳнат, 1999. – 171 б.
20. Фатхутдинов Р.Ф. Инновационный менеджмент. / Р.Ф.Фатхутдинов. – М., 2016; Nelson R. National Innovation Systems: A Comparative Analysis. Oxford: Oxford University Press, 2013.
21. Джуроева Д.Д. Инсон потенциали ва инновацион фаолиятни юксалтиришнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли. // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2019. 4-сон. 309-316-б. (10.00.00, № 1).
22. Djuraeva D.D. Ways to increase the effectiveness of the use of innovations in the provision of services in the conditions of pandemics. // South Asian Journal of Marketing & Management Research. – Ҳиндустон, 2020. 10-сон. 77-81-б. ((№10, SJIF-2021-7,642), IF-0,643).
23. Джуроева Д.Д. Хизматлар соҳасини такомиллаштиришда инновацион фаолиятнинг илмий-амалий аҳамияти. // Иқтисодиёт ва молия журналы. – Т., 2021. 29 (138)-сон. 70-77-б. (08.00.00, № 18).
24. Джуроева Д.Д. Хизматлар соҳасини ривожлантиришда инновацион салоҳият ва ёндашувларни тадқиқ этишининг методологик масалалари. // Иқтисодиёт ва таълим журналы. – Т., 2021. 1-сон. 148-156-б. (08.00.00, № 11).
25. Djuraeva D.D. Scientific and methodological aspects of the formation of an innovative set of services. // Бухоро давлат университети илмий ахбороти. – Бухоро, 2021. 1-сон. 227-238-б. (10.00.00, № 1).
26. Друкер П. Задачи менеджмента в XXI веке. Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2004. – 272 с.
27. Drucker P. Innovation and entrepreneurs. Practice and principles. / P.Drucker. – L.: Pan Books, 1986. P. 55.
28. Dodgson M. The management of technological innovation: An international and etrategic approach. Oxford University Press, 2000. P. 24.
29. Отажонов Ш.И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини ошириш. – Т.: Инновацион технологиялар, 2018. – 178 б.